

«Келишилган»

«Тасдиқлайман»

«Маърифат маркази» биносидан  
фойдаланиш ва бинога туташ худудга  
хизмат кўрсатиш бўйича  
ихтисослаштирилган дирекция”  
директори  
А.А. Гафуров  
« 09 » 2015 г.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси директори  
А.А. Ходжаев  
« 30 » 07 2015 г.

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида  
фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази (кейинги ўринларда Миллий кутубхона деб аталади) Ўзбекистон Республикасида миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш манфаатлари йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи умумдавлат универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади.

2. Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона фонди давлат мулки ҳисобланади. Ахборот-кутубхона фонди бюджетдан ажратиладиган маблағлар, нашрларнинг мажбурий нусхасини ҳамда ташкилотлар ва хусусий шахслардан хомийлик ёрдамини олиш ҳисобига шакллантирилади. Кутубхона миллий илмий, интеллектуал ва маданий бойлик фонднинг таркибига кирувчи ахборот-кутубхона ресурсларини жамлайди, ҳисобга олади, тизимлаштиради, сақлайди ва вақтинча фойдаланиш учун тақдим этади.

3. Кутубхона ноёб ҳамда алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларини асраш ва улардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ахборот-кутубхона фондлари ва бошқа ахборот-кутубхона ресурсларини асраш ва улардан фойдаланишнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқади.

4. Кутубхонадан фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунига (13.04.2011 йилдаги ЎЗҚ-280-сон), “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига (20.07.2006 йилдаги ЎЗҚ-42-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига (23.02.2011 йилдаги ПҚ-1487-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига (20.03.2012 йилдаги ПҚ-1729-сон) ва у билан тасдиқланган Миллий кутубхона тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига ( 21.03.2012 йилдаги ПҚ-1730-сон); Кутубхонада диссертациялар фондидан фойдаланиш тўғрисидаги Низоми; Кутубхонада ахборот-кутубхона ресурсларидан нусха олиш ва сканерлаш хизматини кўрсатиш тўғрисидаги Низом ҳамда ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ва маълумот-библиографик хизматлар кўрсатиш жараёнида Кутубхона ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

5. Кутубхона фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ва маълумот-библиографик хизматлар кўрсатишни ўқув залларида, кутубхоналараро абонемент орқали, ўз интернет-портали орқали виртуал хизмат кўрсатиш ёрдамида амалга оширади.

6. Кутубхонадан фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларидан, турли ахборот манбалари жисмлардаги: қоғоз (китоблар фонди, вақтли матбуот нашрлари); магнитли (аудио ва видеокассеталар); рақамлаштирилган (CD, DVD – дисклар); имконияти чекланган шахслар ўзлаштириши имкониятлари ва ахборот талабларига мос келадиган ҳамда хужжатларни репродукция қилиш (магнит тасмасига ёзиш, Брайл дастурида электрон шаклга ўтказиш) асосида махсус манбаларда фондни шакллантириш; коммуникатив (масофавий тармоқ ресурслари, компьютер тармоқлари, электрон маълумотлар базалари) ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда ахборотдан, билимлардан, маданий кадриятлардан фойдаланишни таъминлайди.

7. Кутубхона ишнинг ҳар хил шакллари:

китоб музейига боришни ташкил этиш;

бадий ва китоб кўرғазмаларини ўтказиш;

кутубхона бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш орқали фойдаланувчиларга ижтимоий-маданий хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Кутубхонада имконияти чекланган фойдаланувчилар учун шарт-шароит яратилган: нишаб йўлка, юқорига кўтарилиш механизми (лифт), тифлотехника - ясси босма матнларни катталаштириш учун мослама, ясси босма матнларни ўқиш учун машиналар, тифлофлешплейерлар - аудио-китоблар (“гапирувчи” китоблар) ва мусиқали коллекциялардан фойдаланишни таъминловчи аудио-ресурсларни тинглаш учун жиҳозлар мавжуд;

кутубхонада доимий равишда Киномарказ фаолият юритади;

турли тадбирлар ташкил қилинади;

“Болалар хонаси” фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади.

8. Кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи юридик шахсларга, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 14 ёшдан бошлаб паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва ота-онаси ёки васийларнинг паспорти (нусхаси) тақдим этилгандан сўнг берилади. Истисно тариқасида 12 ёшдаги болаларга - уларнинг ота-онаси паспорти (нусхаси) ёки васийларнинг қонуний вакиллигини тасдиқловчи хужжат асосида ва Кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш зарурияти асосланган ҳолда таълим муассасасининг расмий бланкасида расмийлаштирилган ўқув жойидан берилган ёзма мурожаат асосида берилади.

9. Кутубхонага ташриф буюриш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли хужжатлар тақдим этилганда берилади.

10. Кутубхона фойдаланувчиларга “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ахборот-кутубхона ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ бепул ва пулли хизматлар кўрсатади.

## **II. Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш тартиби**

11. Кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайдиган рўйхатга олишда Кутубхонанинг пулли хизматлар прејскурантига мувофиқ 3 йил муддатга бериладиган электрон китобхон билети ҳисобланади. Рўйхатдан ўтиш чоғида амалга оширилган тўлов қайтариб берилмайди.

12. Кутубхонага аъзо бўлиш учун фойдаланувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатни: паспортни, истиқомат учун берилган гувоҳномани, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ота-оналар ёки васийларнинг паспортини (нусхасини) тақдим этиши лозим.

Рўйхатдан ўтказишда фойдаланувчиларни китоб бериш кафедралари бўйича тақсимлаш учун қуйидагиларни ҳам тақдим этиш зарур:

олий таълим муассасалари талабалари учун – талаба билети;

олимлар учун – илмий даража берилганлиги тўғрисидаги диплом, илмий унвон берилганлиги тўғрисидаги аттестат.

13. Кутубхона рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмайди.

14. Китобхон билети (ID) белгиланган тўлов эвазига берилади. Чип ва штрих коди йўқолганда, механик шикастланганда (букланган, қайирилган, қирилганда), фойдаланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда умумий шартларда ҳақ тўланган ҳолда янги китобхон билети (ID) берилади. Бирок китобхон билети китобхон билети (ID карта) амал қилиши мобайнида 3 мартадан ортиқ берилмайди. Шартлар бузилган тақдирда янги китобхон билети (ID) биринчи марта рўйхатдан ўтказилгандан кейин 3 йиллик муддат тамом бўлгандан кейин берилади.

15. Электрон китобхон билети (ID)га ҳақ тўлаш бўйича қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган:

имкониятлари чекланган шахслар (1 ва 2-гурӯх ногиронлари) тегишли ҳужжатни тақдим этганлари тақдирда электрон китобхон билети (ID)ни бепул оладилар.

16. Жамоавий фойдаланувчиларни (юримдик шахсларни) рўйхатдан ўтказиш ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш тартибини белгиловчи шартнома асосида амалга оширилади.

17. Фойдаланувчи ушбу Низом билан танишиб чиқиши зарур.

## **III. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш**

18. Фойдаланувчига ҳам Кутубхонага бевосита келиш орқали, ҳам масофадан туриб фойдаланиш режимида мурожаат қилиш имконияти берилади.

19. Фойдаланувчи Кутубхонага бевосита келганида фойдаланувчиларнинг таълим даражаси ва профессионал фаолияти, билимлар соҳаси ва ҳужжатларнинг турлари бўйича табақалаштирилган китобхонлар заллари тизимидан фойдаланиши

мумкин. Шу сабабли рўйхатдан ўтказишда ҳар бир фойдаланувчига тегишли ўқув зали тавсия қилинади (“Тафаккур”, “Ўзбекистон”, “Адолат” ўқув залларида жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчилар учун автоматлаштирилган иш ўринлари жиҳозланган)

<b>ЎҚУВ ЗАЛЛАРИ</b>		<b>ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН</b>
Универсал ўқув зали	“Тафаккур”	III қават “А” блоки
Ёшлар ва талаблар зали	“Истикбол”	III қават “А” блоки
Илмий ўқув зали	“Кашфиёт”	III қават “А” блок
Қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қимматли нашрлар зали		III қават “А” блоки
	“Нодир”	IV қават “А” блок
Хорижий адабиётлар ўқув зали	“Жаҳон”	IV қават “А” блок
Илмий-техник адабиётлар ўқув зали	“Бунёдкор”	IV қават “А” блоки
Мамлакат тарихи ва миллий адабиёт ўқув зали	“Ўзбекистон”	II қават “А” блоки
Юридик адабиётлар ўқув зали	“Адолат”	II қават “А” блоки
Адабий мерослар ўқув зали	“Алишер Навоий”	II қават “А” блоки
<b>ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ ЗАЛЛАРИ</b>		
Нотали-муסיқали нашрлар зали	“Ижод”	III қават “А” блоки
Диссертациялар ўқув зали	“Илм”	IV қават “А” блоки
БМТ ахборот-ресурс хонаси		IV қават “А” блоки
«Корея ойна» ўқув зали		IV қават “А” блоки
Медиа ва Интернет марказ		III қават “А” блок
Электрон кутубхона		I қават “В” блоки

20. Фойдаланувчилар ўқув залларидаги ва электрон кутубхона залидаги локал компьютерларда нусха кўчириш, ёхуд электрон материалларни кўчириб олиш имкониятисиз Кутубхонанинг рақамли фонди билан танишишлари мумкин.

21. Фойдаланувчилар Каталоглар ва картотекалар зали ва электрон каталог орқали (II қават “А” блоки) Кутубхона фондида ахборот-кутубхона ресурслари борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотларни оладилар.

22. Кутубхона фойдаланувчиларга маданий-дам олиш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради:

Китоблар музейи	I қават “А” блоки
Кўргазмалар зали	I қават “А” блоки
Киномарказ	I қават “В” блоки
Болалар хонаси	I қават “А” блоки
Тиббиёт пункти	I қават “А” блоки
Кафетерий	I қават “В” блоки

23. Масофадан туриб фойдаланиш режимида Кутубхона фойдаланувчининг Кутубхона веб-сайтидаги шахсий хонаси орқали буюртмаларни қабул қилиш йўли билан Кутубхонанинг фойдаланувчилари учун фонддан электрон буюртмаларни ва ахборот-кутубхона ресурсларини масофага етказиб беришни мувофиқлаштиради.

24. Кутубхона масофадан туриб фойдаланиш режимида, шунингдек, аҳолининг барча тоифалари учун улар Кутубхонанинг фойдаланувчиси ёки фойдаланувчиси эмаслигидан қатъи назар маълумотнома хизматлари кўрсатади (мутахассислар билан телефон орқали боғланиш ва Кутубхонанинг веб-сайтига онлайн режимида мурожаат қилиш орқали маълумотлар ва маслаҳатлар берилади).

25. Кутубхона фондларида зарур ахборот-кутубхона ресурси мавжуд бўлмаган тақдирда ҳар бир фойдаланувчи белгиланган тартибда электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати орқали (I қават “В” блоки) уни Ўзбекистоннинг бошқа ахборот-кутубхона муассасаларидан ва МДХ мамлакатларидан олиш учун буюртмани расмийлаштириши мумкин.

26. Кутубхона ходимлари фойдаланувчиларнинг компьютерда ёки тармоқли папкада сақлаб қўйилган файллари учун жавоб бермайди.

27. Кутубхона ёпилишдан 30 минут олдин ахборот-кутубхона ресурслари бериш ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун буюртмалар олиш тўхтатилади.

28. Кутубхона фойдаланувчиларга қуйидаги режимда хизмат кўрсатади:

душанба – жума кунлари: соат 9.00 дан соат 20.00 гача;

шанба, якшанба кунлари: соат 9.00 дан соат 17.00 гача.

Китобхонлар:

душанба – жума кунлари: соат 9.00 дан соат 20.00 гача (тушлик танаффус соат 13.00дан соат 14.00гача);

шанба, якшанба кунлари: соат 9.00 дан соат 17.00 гача (тушлик танаффус соат 13.00дан соат 14.00гача) рўйхатга олинади.

29. Истисно ҳолларда (давлат аҳамиятига молик тадбирлар ўтказилганда, ахборот-технологик тизимлар комплекси технологик жиҳатдан бузилганда, ҳар ойлик Кутубхонанинг тозалик куни ўтказилганда) Кутубхона иш режимида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Ўзгаришлар тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилиш олдиндан ахборот стендлари ва Кутубхонанинг интернет-портали (<http://www.natlib.uz>) орқали амалга оширилади.

30. Фойдаланувчиларга виртуал хизмат кўрсатиш Кутубхонанинг интернет-портали (<http://www.natlib.uz>) орқали амалга оширилади.

#### **IV. КУТУБХОНАДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

31. Кутубхонадан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадир: иш режимида мувофиқ Кутубхонага кириш;

каталоглар, картотекалар тизими, маълумотлар базалари ва ахборот-кутубхона маълумот беришининг бошқа шакллари орқали Кутубхона фондларидаги ахборот-кутубхона ресурслари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;

ахборот манбаларини излаш ва ахборот-кутубхона ресурсларига буюртма бериш учун маслаҳат олиш;

маълумотларнинг миллий ва жаҳон базаларидан, Интернетнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

Кутубхонанинг ўқув залларида компьютерлардан фойдаланиш бир кунда 2 соат билан чекланади (ўқув залларидаги компьютерлардан фойдаланишни хоҳловчи бошқа фойдаланувчилар бўлмаганда фақат ўқув залининг мутахассис-маъмури рухсати билан компьютерда ишлаш вақти узайтирилади);

Тегишли ўқув залида ишлаш учун Кутубхона фондларидан ахборот-кутубхона ресурсларини вақтинча олиш;

шу жумладан, ҳужжатларни электрон етказиб бериш тизимидан фойдаланган ҳолда (шартнома асосида) кутубхоналараро абонемент бўйича ахборот-кутубхона ресурсларини ёки уларнинг нусхаларини олиш;

босма нашр умумий ҳажмининг 15 фоизигачасининг ксеронусхасини ёки китоб электрон шаклини шунга ўхшаш вариантини қоғозга бостириб олиш;

Кутубхонага киришда олдиндан рўйхатдан ўтказган ҳолда бештагача босма нашрни (Кутубхона фондида бўлмаганларни) ўқув-таълим мақсадларида олиб кириш;

Кутубхонага киришда олдиндан рўйхатдан ўтказган ҳолда Кутубхонага ноутбук (нетбук)ни ғилофсиз олиб кириш;

Кутубхонада фойдаланувчилар учун ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

китоб бериш кафедраларидан бериладиган ахборот-кутубхона ресурсларини уларга бошқа фойдаланувчилардан сўров бўлмаган тақдирда кетма-кет кўпи билан 2 марта брон қилиш муддатини узайтириш;

киномарказнинг иш режимига мувофиқ Кутубхона кинозалида кинофильмлар кўриш;

Кутубхонага келганда мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларни болалар хонасида қолдириш;

Зарурият бўлганда тиббий пунктда тез тиббий ёрдам олиш;

фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган зонадан ташқарида мобиль телефондан фойдаланиш (вестюбель, дам олиш зонаси, буфет, зинопоялар майдончалар, лифт холли);

хизматларнинг бошқа турларидан фойдаланиш, шу жумладан, рўйхати Кутубхона томонидан белгиланган ва белгиланган тартибда тасдиқланган пулли хизматлардан фойдаланиш (қаранг: Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бепул ва пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом);

фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар бўйича таклифлар, мулоҳазалар, шикоятлар билан Кутубхона раҳбариятига мурожаат қилиш.

32. Кутубхонадан фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбурдир:

ушбу Низом ва Кутубхонада амал қиладиган бошқа норматив ҳужжатлар билан танишиш ва уларни бажариш;

Кутубхонанинг иш режимига амал қилиш;

Кутубхонага рўйхатдан ўтишда тўғри сўровнома маълумотларини кўрсатиш ва сўровнома маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида Кутубхонага маълум қилиш;

паспортдаги маълумотлар ўзгарганлиги, китобхон билети (ID карт) йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ҳақида фойдаланувчиларни рўйхатга олиш хизмати ходимларига ўз вақтида маълум қилиш;

Кутубхона томонидан белгиланган тартибга ва ўтказиш муддатига мувофиқ фойдаланувчиларни қайта рўйхатга олишдан ўтиш;

Кутубхонага олиб киришга рухсат берилган сумкалар, дафтарлар, пакетлар ва бошқа ашёларни назорат-ўтказиш пунктида кўздан кечириш учун тақдим этиш;

устки кийим, бош кийими, ноутбук сумкаси, мусиқа асбоблари ғилофларини гардеробга топшириш;

соябонлар, сумкалар, портфеллар ва бошқа буюмларни сақлаш хонасида қолдириш;

олиш пайтида ахборот-кутубхона ресурсларини кўздан кечириш ва шикастланишлар аниқланган тақдирда дарҳол бу ҳақда Кутубхона ходимларига хабар бериш;

фойдаланиш учун олинган ахборот-кутубхона ресурслари ва Кутубхонанинг бошқа мол-мулкига масъулият билан муносабатда бўлиш ва уларни эҳтиёт қилиш;

Кутубхона хоналарида тинчликни, тартибни ва озодаликни сақлаш;

Кутубхона ходимларига ва Кутубхонага келувчиларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш;

12 ёшгача мактаб ёшидаги болалар ID картга эга бўлган ота-оналар ҳамроҳлигида Кутубхонага рўйхатдан ўтказилмасдан келишлари мумкин;

ўқув залларидаги компьютерлар билан ишлашни Кутубхона ёпилишидан 30 минут олдин тугатиш;

фавқулдда вазиятларда (ёнғин, авария, террористик хужум ҳавфи ва шу кабилар) Кутубхона, ички ишлар органлари ва фавқулдда вазиятлар бўйича бўлинмалар ходимларининг талабларини бажариш.

33. Кутубхонадан фойдаланувчиларга қуйидагилар таъқиқланади;

ID-картни бошқа шахсларга бериш ва бошқа шахсларнинг ID-картидан фойдаланиш;

ахборот-кутубхона ресурсларини Кутубхона ташқарисига олиб чиқиб кетиш;

Кутубхонага ёқимсиз ташқи кўринишда келиш;

Кутубхонага маст ҳолда, гиёҳванд, психотрап, захарли моддалар таъсири остида келиш;

Кутубхонага ҳайвонларни олиб келиш, кўриш қобиляти сусайган ва кўзи ожиз фойдаланувчиларнинг етакловчи итлар билан келиши бундан мустасно;

ахборот-кутубхона ресурсларига зарар етказадиган хатти-ҳаракатларни содир этиш (саҳифаларни йиртиш ва кесиш, белги қўйиш, таъкидлаш, расмлар ва хариталарнинг устидан чизиш, нашр саҳифаларига ёзиш ва шу кабилар);

каталог карточкаларига белги қўйиш ва уларни каталог қутиларида олиш;  
бошқа фойдаланувчилар олган нашрлардан рухсатсиз фойдаланиш;

Кутубхона ўқув заллари ва фойесидида Кутубхона маъмуриятининг рухсатсиз ҳар хил тадбирлар, тренинглари ташкил этиш;

берилган Кутубхона ахборот-кутубхона ресурсларини таомхона/ҳожатхонага олиб кириш;

Кутубхонага озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кириш, ўқув залларида овқатланиш;

фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган зоналарда мобиль телефондан фойдаланиш, шунингдек Кутубхона фондларидан олинган ахборот-кутубхона ресурсларини ва мониторинг экранидидаги ахборотни видео суратга олиш ва расмга тушириш;

мобиль телефонларни ва бошқа техник воситаларни Кутубхонанинг электр тармоғига улаш (“Илм”, “Кашфиёт”, “Тафаккур” залларида ноутбикни улаш бундан мустасно);

Кутубхонанинг компьютер тармоғидида тизимли операцияларни бажариш, дастурий воситаларни қайта ўрнатиш, техник жиҳозлашни тармоқдан узиб қўйиш, бошқа фойдаланувчилар томонидан яратилган файлларни йўқ қилиш ва таҳрир қилиш;

Компьютер ўйинлари ўйнаш, фильмлар кўриш ва шу кабилар;

Кутубхона хоналарида эълонлар, афишалар ва бошқа материалларни ўзбошимчалик билан жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти (репититорлик ва шу кабилар) билан шуғулланиш;

Жамоат тартибини бузиш;

Кутубхона хоналарида чекиш.

34. Кутубхонадан фойдаланувчилар электрон ускунадаги носозликлар ёки берилган аудиоматериалда нуқсонлар аниқланган тақдирда бу ҳақда мутахассисга маълум қилиш, носозликни ўзи тузатишга уринмаслиги керак. Кутубхона мол-мулкига (компьютерлар, ташкилий техника, мебель, электр ускуналари ва бошқа мол-мулкка) зарар етказган Кутубхонадан фойдаланувчилар қонунчилиқка мувофиқ зарарни қоплайдилар.

35. Ушбу Низом бузилганлиги учун фойдаланувчи қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

## V. КУТУБХОНАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

36. Кутубхона қуйидидаги ҳуқуқларга эгадир:

Ушбу Низомга беогиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ахборот-кутубхона фондларидан ҳамда бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек улардан фойдаланиш режими шартларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқига мувофиқ фойдаланувчи томонидан етказилган зарар турлари ва миқдорини аниқлаш;

фойдаланувчи томонидан келтирилган зарарни 5 баробардан 10 баробаригача коплаш чораларни кўриш;

ушбу Низомни бузган фойдаланувчиларнинг Кутубхона ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини чеклаш муддатини (икки ҳафта, бир ой, уч ой, олти ой ва бир йил) ва жавобгарлик чораларини белгилаш;

“Миллий кутубхона томонидан ахборот-кутубхона хизматлари ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ пулли асосдаги хизматлар доирасини кенгайтириш.

### 37. Кутубхона қуйидагиларга мажбурдир:

ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантириш, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Кутубхона Уставига мувофиқ уларнинг сақланишини ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг Кутубхонада ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятини таъминлаш;

Кутубхонадан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Фойдаланувчиларни:

ушбу Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалардан;

Кутубхона иш режимдаги ўзгаришлардан;

Кутубхона томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларидан (бепул ва пулли хизматлардан) хабардор қилиш.